



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Владимир Путиннинг таклифига биноан 2016 йил 25-26 апрел кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Депутат минбари

Президентимизнинг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бозорларимизда доимий барқарорликни таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажминини ошириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга

Бу ҳуқуқий ҳужжатнинг бош мақсади ички истеъмол бозорини йил давомида бозорнинг тўлдириши, хариддорнинг ва рақобатбардор ҳўл мева ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кўпайтириши, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиришдан иборатдир.

Қарорга кўра, мева-сабзавотлар фермер ва деҳқон хўжаликлари билан келишиб, бозор нархларида давлат буюртмаси бўйича харид қилинади. Бундай харид ўзаро тузилдиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бунга (аванс) бериш орқали амалга оширилади.

Ўз навбатида ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» иختисослаштирилган ташки савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузилдиган шартномалар асосида экспорт қилинади.

Жорий йилнинг май ойида етакчи хорижий ишлаб чиқариш компаниялари ва уларнинг дилерлари иштирокида ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича замонавий оқори технологияли ускуналар ҳамда технологияларнинг иختисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил этиш режалаштирилди. Июнь ойида эса Тошкент шаҳрида 2016 йилги ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилади. Ушбу мақсадда доимий фаолият кўрсатувчи майдон ташкил этилиб, унинг базасида ҳар йили октябр ойида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида келгуси йил учун экспорт шартномаларини тузишга қаратилган ярмарка ўтказиш учун таклифлар жамланади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хўсусий мулк шаклидаги корхоналар, идо-

равий мансублигидан қатъи назар, 2019 йилнинг 1 январига замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Шунингдек, «Ўзбекизоқвок-қатхолдинг» таркибига киратилган қайта ишлаш корхоналари (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиғи, давлат мақсади фондларига мажбурий ажратмалар тўлшдан озод этилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишбилармонлик муҳитини рағбатлантириб, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг имконият яратади.

Ушбу қарор орқали тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бунга ва яқуний ҳисоб-китоблар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилди.

Бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилганлиги биз, депутатлар зиммасига ҳам бир қатор устувор вазифаларни юқлайди. Бойси, мамлакатимизда соҳа доирасида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги дастурларини самарали амалга ошириш қонунчилик меъёрлари нечоғли мустақамлигига боғлиқ.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириш ва уларни қайта ишлаш борасидаги фаолиятнинг тобора ривожланиб, кенгайиб бориши ички истеъмол бозорини янада барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг халқаро мавқоини янада ошириш, энг асосийси, йилнинг барча фаслида халқимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятини яхшилашга хизмат қилади.

Шерзод РАХИМОВ,
Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутатлари

Ижтимоий шериклик

Қадамлар залворли, уфқлар ёрқин

Тараққиёт — кенг қамровли тушунча.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хўсусан, хориж инвестицияларини жалб қилишга қаратилган кенг қамровли ишлар ўз натижасини бераёпти. Жумладан, «SAG gilanti» масъулият чекланган жамият шаклидаги қўйма корхона ўн олти йилдирки, Марказий Осиёда тўқимачилиги бўйича пешқадамликни қўлдан бермай келаётир.



Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда шубҳасиз, ходимларга муносиб меҳнат шaroити яратиш борасидаги тадбирлар муҳим ўрин тутди. Фаолиятнинг илк лаҳзаларида 60 нафар ходим иш билан таъминланган эди. Орадан беш йил ўтиб ишловчилар 200 нафарга етди. Айни пайтда эса қарийб 700 нафарга яқин ходим бошини қовуштирган йирик ишлаб чиқариш корхонаси доврўғини жуда

кўллаб давлатларда ҳам эшитиш мумкин. Юқсалининг бош омили — ходимлар меҳнати эканини ҳис этган корхона маъмурияти ўз ташаббуси билан бошланғич қасаба уюшма ташкилотини тузиш ҳақидаги таклифни ўртага ташлади. Неча йилки, қасаба уюшма таклифлари қўллаб-қувватлаб келинаётир. Ходимлар сонининг ўсиб бориши улар учун яратилажак шaroитлар такомиллашувини ҳам тақозо этди. Корхона

нада барпо этилаётган қўшимча иншоотнинг бир қисми гигиеник хоналар барпо этишга ажратилди. Натижада, эркаклар ва аёллар учун алоҳида, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган ювиниш хоналари, 600 кишига мўлжалланган шафлар ўрнатилди. Бир пайтнинг ўзида 200 кишига хизмат кўрсатадиган замонавий ошхона фойдаланишга топширилди. Тушлик пайти цех бошлиқлари билан келишилган ҳолда белгилаб қўйил-

ган бўлиб, бу навбат кутиб фурсатни беҳуда ўтказишнинг олдини олмақда. Ходимлар корхона ҳисобидан бепул овқат, сут-қатиқ билан таъминлаб келинаётир. Иш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида тўрт йўналиш бўйича автобуслар қатнови ташкил этилган. Жамoa аъзолари доимий ҳамкор «Био — Нур» тиббиёт бирлашмасида бепул кўриқдан ўтказилмоқда.

»(4).

Эртағамиз эгалари учун

Ёшлар марказининг янги биноси

Нукус шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали доирасида Ёшлар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолиги биз, депутатлар зиммасига ҳам бир қатор устувор вазифаларни юқлайди. Бойси, мамлакатимизда соҳа доирасида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги дастурларини самарали амалга ошириш қонунчилик меъёрлари нечоғли мустақамлигига боғлиқ.

улғайишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Ёшлар марказида ёшлар буш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шaroит яратилган. Хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, шахмат-шашка, тасвирий санъат, рақс тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган, ахборот-ресурс ва ёш тадбиркорлар учун маслаҳат марказлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган тантаналар зали замонавий жиҳозланган.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари 4 миллиард 400 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига амалга оширилди. Марказининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш учун 154 миллион сўм, замонавий мебеллар учун 192 миллион, зарур адабиётлар ва электрон китоблар учун 400 миллион сўм маблағ ажратилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Ерниязов сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА муҳбири



Ўзбекистон — хотирани авайлаб, қадр топаётганлар ватани

2016 йил 18 апрелда Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанин 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида ҳокимликлар, вазирликлар, жамоат ташкилотлари олдига бир қатор вазифалар қўйилди.

Ҳозирда мамлакатимизда нафақат уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, балки кексалик гаптини суриб, умргузаронлик қилаётган барча нуронийларимизнинг кўнглини кўтарган ушбу Фармон ижросини таъминлаш ва байрамни муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик ишлари бошлаб юборилиб, кенг жамоатчилик томонидан унинг аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

»(3).



Ижро
масъулияти

>> 2



«Севги шахрига
хуш келибсиз...»

>> 8

Ўқув-семинар



Ижро масъулияти

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг «Ўзавтосаноат» ҳамда «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниялари билан яқин ҳамкорлиги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур компаниялар билан 2014 — 2016 йилларга мўлжаллаб тузилган тармоқ келишуви орқали меҳнаткашларга қулай иш шaroити яратиб бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, эҳтиёжманд, ногирон, боқувчисини йўқотган ходимларга эътиборни кучайтириш масалаларида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Тармоқ Республика Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинар дастлаб бу борадаги чора-тадбирларнинг 2015 йилдаги ижроси муҳокамаси билан бошланди. Уни Республика кенгаши раиси А.Ҳақулов олиб борди.

ҳисоботига кўра, тизимдаги барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари қабул қилинган ҳамда унда белгиланган бандларнинг бажарилиши натижасида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси муттасил юксалиб бормоқда. Тармоқ келишуви асосида корхона ва ташкилотлар томонидан янги муддатга қабул қилинаётган жамоа шартномалари ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган янги бандлар билан тўлдирилмоқда.

ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида 2 млрд. сўмдан ортиқ, «Ўзэлтехсаноат» компанияси тизимида 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани ҳам ишларнинг кенг қамровли эканини кўрсатади.

Таълим

Жарқўрган туманидаги 15-умумтаълим мактабида 1000 нафардан зиёд ўқувчи тахсил олади. Тажрибали педагог Алимардон Эсонкулов раҳбарлик қилаётган илм даргоҳида ёшларга чуқур билим бериш билан бирга, уларнинг меҳнатсевар бўлиб камол топишига ҳам жиддий ёндашилади.

Қуёш мактабдан чиқади

Мактаб ҳовлисида касба уюшма боғи ташкил этилган бўлиб, жорий йилда «Хар бир ўқувчининг бир туп дарахти бор» шiori остида минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 2014 — 2015 ўқув йилида ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг вилоят босқичида умумтаълим мактабларимизнинг 48 нафар истеъдодли ўқувчиси юқори натижаларга эришди. Уларнинг 6 нафари беллашувнинг республика босқичида фахрли ўринларни қўлга киритди. 2014 — 2015 ўқув йилида ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг вилоят босқичида умумтаълим мактабларимизнинг 48 нафар истеъдодли ўқувчиси юқори натижаларга эришди. Уларнинг 6 нафари беллашувнинг республика босқичида фахрли ўринларни қўлга киритди. 2014 — 2015 ўқув йилида ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг вилоят босқичида умумтаълим мактабларимизнинг 48 нафар истеъдодли ўқувчиси юқори натижаларга эришди. Уларнинг 6 нафари беллашувнинг республика босқичида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Мавсум олдидан

Навоний вилоятда соғломлаштириш мавсумини самарали ўтказиш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Жорий йилда вилоятда 12 та шаҳардан ташқари ва 24 та мактабда оромгоҳи фаолият юритиши, уларда 16 222 нафар болани дам олдириш кўзда тутилмоқда.

Касаба уюшма ҳаёти

Тасарруфимизда 82 та бошланғич ташкилот бўлиб, «Намангандонмаҳсулотлари» ОАЖ корхонаси касба уюшма кўмитаси бу борада етакчилардан. Корхонада 435 нафар ишчи-ҳодим муносиб шарт-шaroитларда меҳнат қилмоқда. Касаначилик асосида ишловчи 15 нафар ходим ҳам яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланмоқда.

Аъло меҳнат гарови

Жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар натижасида ишчи-ҳодимларнинг фаровонлиги муттасил ортиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси МК нинг 217-моддасига асосан жамият ишчи-ҳодимларининг меҳнатини муҳофазасида қилиш мақсадида махсус кийим-бош, саломатлик учун зарарли иш билан банд бўлганлар учун сўт маҳсулотлари, дори-дармон сарфламини мўлжалланган. Ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш учун жамият томонидан 4 млн. сўм маблағ ўтказиб берилди.

Беллашув



Бухоро вилоятининг Н-сонли ҳарбий қисмида ўтказилган «Ёш чеғарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи барчада зўр таассурот қолдирди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чеғараларини ҳимоя қилувчи кўмита, «Камо-

Тайёргарлик бошланди

ятдаги «Шабода», «Офтобжон», «Дўстлик», «Сармиш», «Болажон», «Зарафшон» ва «Арай» оромгоҳларида кўкназорлаштириш, жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаётти, — дейди вилоят Мувofiқлаштирувчи гуруҳ котиби, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Норимхон Нурманова.

Руслан САБУРОВ, «Ishonch» мухбири

Мавсуми юқори савияда ўтказиш, болажонларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ишчи-ҳодимнинг кўнглига ёруғлик олиб киролмаган, бахтиёр кунларини кўпайтира олмаган корхонага муваффақият яқин йўламайди, — дейди жамият раҳбари Акмалхон Саломов. — Бизга эса икки карра масъулият юкланган. Нанкин, жамоамиз аъзолари энг азиз неъмат ҳисобланган нон учун хомашё тайёрлашда. Уни яхши кайфиятдаги инсонлар тайёрласа, истеъмолчиларнинг ҳам кайфияти аъло бўлишига шубҳа йўқ.

Зулхумор ҲОЖИМАТОВА, АСМ ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Қизгин ва муросасиз

Ёшларни руҳан ва жисмонан тайёрлаш, давлат чеғараларининг дахлсизлиги, эл-юрт хавфсизлигини таъминлашда уларнинг масъулиятини янада кучайтиришга қаратилган тадбирларнинг аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда.

лот» ЕИХ вилоят кенгаши, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган беллашувда иштирокчилар жисмоний ва ҳарбий тайёргарликлари, сиёсий-ҳуқуқий фанлар, чет тили ва Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарлари бўйича билимини синовдан ўтказди. 80 нафардан ортиқ «Ёш чеғарачилар» клуби аъзолари ҳамда 100 нафардан

ортиқ кўнгилли ёшлар қатнашган қизгин ва муросасиз баҳслар якунида Бухоро енгил саноат ва педагогика коллежи, Когон Саноат ва транспорт касб-хунар коллежи, Фиждуювон Саноат ва транспорт касб-хунар коллежи жамоалари совринли уч ўринни эгаллади. Фойлиблар ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди. Ҳаётжон ШАРИПОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Жиззах томонларда

Ким эдигу, ким бўлдиқ?

Бахмал маиший хизмат касб-хунар коллежида «Ким эдигу, ким бўлдиқ! Эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мавзу юзасидан юртимизнинг таниқли олимлари, кўза кўринган ёзувчи ва санъаткорлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар бўлими мудири Адҳамбек Алимбеков ўтишда ижод қилган олим ва ёзувчиларнинг бугунги кунга келибгина қадр топганлиги ҳақида сўз юритган бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳайитали Низомиддинов сатирик ҳикоялардан кўринишлар ижро этди. Эстрада хонандаси Азизбек Бекмуродовнинг Она Ватан, ёшлик ҳақидаги қўшиқларини қатнашчилар олқишлар билан қутиб олишди.

Жиззах вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқувчиси Баҳора Холмўминова ёт гоғларга қарши тарғибот ишларини янада кучайтириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шерали АБИЛОВ, Бахмал маиший хизмат касб-хунар коллежи бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси

Расмий меҳнат афзалликлари

«Норасмий бандликни чеклаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган ўқув-семинар Бахмал маиший хизмат касб-хунар коллежи битирувчилари ва ўқитувчиларида қатта таассурот қолдирди.

Иштирокчилар расмий меҳнатнинг афзалликлари тўғрисида тушунча олиш билан бирга, касб-хунар коллежи битирувчилари ўртасида меҳнат шартномаси тузиш, меҳнат дафтарчалари юритиш, касба уюшмасига аъзолик афзалликлари каби зарур маълумот ва ҳуқуқий билимларга эга бўлишди.

Семинарни ўтказишдан мақсад — ёшларни, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онгини оширишдан иборат, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири Э.Умурзоқов. — Мамлакатимизда иқтисодийнинг муҳим соҳаси — кичик бизнесни ривожлантиришнинг рағбатлантириш, хусусий тадбиркорлик, оилавий корхоналар, хунармандчиликнинг кафолатлари ва эркинликларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадларига эришиш учун корхоналарда, маҳаллаларда ҳамда коллеж битирувчилари ўртасида норасмий бандликдан расмий бандликка ўтиш афзалликларини тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш талаб қилинишига алоҳида урғу берилди.

Мамадали ҚУЛБОВЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилоятдаги масъул ташкилотчиси

Танлов

Имкониятлар интилишга ундайди

Урганч шаҳрида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «2016 йилги тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» танлови доирасида Қурилиш, Туризм ва тадбиркорлик, Политехника ва тадбиркорлик касб-хунар коллежларида давра суҳбат бўлиб ўтди.

Мулоқот асноси тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи 320 нафар қиз ўзини қизиқтирган саволларга шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ шаҳар кенгаши, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси шаҳар кенгаши, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамда «Алоқабанк» вакилларидан тегишли жавоблар олишди.

— Менга берилган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан унумли фойдаланиб, гул етиштириш бизнесини йўлга қўйиш ниятидаман. Келажакда Урганч шаҳри янада чирой очилишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаман, — дейди Урганч Қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Саломат Мадаминова. 2016 йилги тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси танловининг кейинги босқичига коллежни битираётган 18 нафар қиз танлаб олиниб, улар билан тегишли ташкилот ходимлари ва мутахассислар иштирокида ўқув-машгулотлар ўтказилаяпти.

Ф.БОЛТАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси



Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон — хотирами авайлаб, қадр топаётганлар ватани



Фахрийлар соғломлаштирилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ушбу йўналишда ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Фармонга мувофиқ жорий йилда ҳам 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фохрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволанмоқда.

Ҳар йили байрам арафасида касаба уюшмалари томонидан уруш ва меҳнат фохрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси ўтказилади.

Жорий йилда мамлакатимизда 10 минг 771 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси 36 та санаторийда соғлигини тиклайди. Улардан 15 таси касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi санаторийлардир. Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача юртимиздаги мажхуд санаторийларда 2284 нафар фахрий соғломлаштирилди.

Фахрийларни соғломлаштириш ишларини сифатли ташкил этиш ва мажхуд муаммоларни бартараф этиш чораларини қўриш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва зирликлари, «Нуроний» жамгармаси, маҳаллий ҳокимликлар мутахассисларидан иборат Республика ҳамда ҳудудий Ишчи гуруҳлари фаолият қўрсатиб келмоқда. Ўз навбатида, Федерация Кенгаши томонидан юқоридаги вазифаларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борилиши йўлга қўйилган.

Фахрийларга ўзлари хоҳлаган санаторийларга йўлланмалар берилмоқда. Барча санаторийларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари тезкор ва навбатсиз қабул қилиниб, тиббий кўрик натижаларига асосан уларга керакли дори-дармонлар, физиотерапия, укаланиш, парафин, сув муолажалари белгиланмоқда. Шунингдек, уларнинг хоҳишлари асосида пархезли, соғломлаштирувчи минерал ва витаминларга бой табиий маҳсулотлардан овқатлар тайёрлаб берилади. Тарихий қадам-жоларга зиёрати ташкил этилиб, барча санаторийларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ўзлари учун яратилаётган шароитлардан мамнун бўлаётган нуроний отахону онахонларимиз юртимиз тинчлиги барқарор, фаровонлигимиз бундан-да зиёда бўлишини тилаб қўлларини дуога очмоқда.

Ўз мухбиримиз

Мухтарам Юртбошимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобида «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам, уларни бағримга боссам», деб ўйлаган ўғлонлар ҳақида фикр билдирилган экан, китобдаги мана бу сатрлар беихтиёр кишини ҳаяжонга солади: «Ўзбек ўғлонлари, авваламбор, ўзи туғилган шаҳар ва қишлоқни, ўз она юртини, ўз яқинларини, меҳрибон отаси ва онаси, севиқли ёри, жондан азиз фарзандларини кўз олдига келтирган ҳолда беомон жангга кирган, шу муқаддас Ватанимиз учун жонини фидо қилган».

...Биз Неъматжон Деҳқонов билан тасодифан танишиб қолдик. У Андижон вилоятининг Чинобод шаҳарчасидаги Урмонбек қишлоқ ҳўжалиги коллежиди рус тили фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Отаси Холмурод бобо ҳозир 90 ёшда. Қирғинбарот уруш йиллари ўспирин йигит эди. Қишлоқ кенгашида котиб бўлиб ишлаган, 16 ёшида Фарҳод сув омбори қурилишида қатнашган. Неъматжон «Отам билан гаплашсангиз, уруш ҳақида кўп воқеаларни айтиб беради», деди.

Ҳақиқатан ҳам, Чинободнинг Тўда маҳалласидаги Деҳқоновлар хонадонига уруш қўпдан-қўп жароҳат изла-

рини солган. Оиланинг тўнғичи Абдурахим 1939 йилда ҳарбий хизматга қақирлиди. Укаси Холмурод бобо ҳозир ҳам унинг норғул қадди-бас-тини, чакнаб турган кўзларини хотирида тиклаб, «Олим бўлмоқчи эди, ниҳоятда кўп китоб ўқирди», дейди. Абдурахим Беларус тупроғида бурчланган бўлса-да, Каримжон ва Холмурод Деҳқоновлар бедарак кетган акасидан умидвор бўлиб кўн санандилар. Қазойи муаллақ экан, 1994 йили собиқ жангчи Каримжон ота «Акамнинг изини топинлар, зора, бир хабар эшитсам, армоним йўқ эди», дея ҳаётдан кўз юмди.

Мана шу кечмишлардан огоҳ бўлиб вояга етган Неъматжон ортиқ кутиб ўтиролмади. Йўлга отланди. Москва шаҳридаги Иккинчи жаҳон уруши музейининг архивида тонглари тунга, тунларни тонгга улади. Бедарак кетган катта амакисининг изи топилмади. Бироқ даста-даста ҳўжатлар орасидан ногаҳон 415-ўқчи полк командири, подполковник Медичевнинг оддий аскар Деҳқонов Каримжон III даражали «Шўҳрат» ордени билан мукофотлаш ҳақидаги тавсиянома ва у қўрсатган жасорат ҳақидаги қисқача баённома кўлига тушди. Билдики, 1944 йилда амакиси ана шундай мукофот билан тақдирланган экан. Аммо ханузгача орден эгасини топмаган.

Энди сўзни Неъматжоннинг ўзини эшитайлик:

— Амакиларим минглаб юртдошларимиз каби тинчлик учун, осейишта ҳаёт учун жанг қилишган.

Дардинг билан яшайман, дунё!

Шундан сўнг ундан хат узилиб қолди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, ҳарбий қисмдан «Абдурахим Деҳқонов бедарак йўқолган», деган мазмунда хабар келди.

1943 йилда иккинчи ўғил — 18 яшар Каримжон урушга жўнади. У душманга қарши олиб борилган беомон жангларда тобланди. Уруш ҳўжжасида деб қолган бир пайтда оғир яраланди. Жароҳати тўғайли уйига қайтиб келди. Узоқ йиллар жамоа ҳўжалигида ишлади.

Уруш тугаган, осейишта ҳаёт бошланган бўлса-да, Каримжон ва Холмурод Деҳқоновлар бедарак кетган акасидан умидвор бўлиб кўн санандилар. Қазойи муаллақ экан, 1994 йили собиқ жангчи Каримжон ота «Акамнинг изини топинлар, зора, бир хабар эшитсам, армоним йўқ эди», дея ҳаётдан кўз юмди.

Мана шу кечмишлардан огоҳ

бўлиб вояга етган Неъматжон ортиқ кутиб ўтиролмади. Йўлга отланди. Москва шаҳридаги Иккинчи жаҳон уруши музейининг архивида тонглари тунга, тунларни тонгга улади. Бедарак кетган катта амакисининг изи топилмади. Бироқ даста-даста ҳўжатлар орасидан ногаҳон 415-ўқчи полк командири, подполковник Медичевнинг оддий аскар Деҳқонов Каримжон III даражали «Шўҳрат» ордени билан мукофотлаш ҳақидаги тавсиянома ва у қўрсатган жасорат ҳақидаги қисқача баённома кўлига тушди. Билдики, 1944 йилда амакиси ана шундай мукофот билан тақдирланган экан. Аммо ханузгача орден эгасини топмаган.

Энди сўзни Неъматжоннинг ўзини эшитайлик:

— Амакиларим минглаб юртдошларимиз каби тинчлик учун, осейишта ҳаёт учун жанг қилишган.

Мен улар билан фахрланман. Албатта, катта амакиларнинг дарагини излашдан тўхтамайман. Беларус давлатига бориб, архив ҳўжатларини батафсил кўришга аҳд қилганман. Ҳозирча мактуб орқали дарак-лаялман. Оловли уруш четлаб ўтмаган оиламиз учун, амакиларимнинг хотираси учун ҳам айнан шу нарсга керак. Хотира бор экан, миллат ўлмайди.

Неъматжоннинг отаси Холмурод бобо ҳар куни субҳи содиқда «Биз тотган азобу ўқубатларни ҳеч қачон қўрмайлар!» деб дуо қилади. Уруш ортда қолган бўлса-да жароҳатлари битмаган. Бу — дунёнинг дарди. Хануз ораимизда Холмурод бобо, унинг ўғли Неъматжон сингари «Дардинг билан яшайман, дунё» дейдиганлар озмунчами?

Голибжон АБДУЛЛАЕВ, журналист

Эъзоздаги отахон

1942 йил. Баҳорнинг илк кунлари. Қиш машаққатларини енгган Очил Файзиев яқин ниятларини дилига тугиб, далага отланганди. Эндигина сабаза ураётган майсалар умидлари рўйбига ҳамоҳанг бўлаётгандай унга кўч бағишларди. Афсуски, бу қўвонч узюкка чўзилмади. Эндигина 18 ёшга қадам қўйган Очилни ҳарбий хизматга олиб кетишди.



Очил ота бугунги кунда нафақат ўзи яшаётган «Убақчули» маҳалла фуқаролар йиғини, балки Когон туманининг энг ардоқли, эъзоздаги пиру бадавлат инсонларидан бири. У урушдан қайтган, II гуруҳ ногирони бўлса-да, яна кетмонини кўтариб, қадрдон даласига чиқди. Қишлоқдошлари ҳурматини қозониб, бригада бошлиқлигига сайланди. Пахтадан юқори ҳосил олишда илғорлар сафидан ўрин олди. Ҳўжаликда ферма мудири сифатида чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Раис ўринбосари лавозимда ишлади.


Ҳалима Файзиева билан турмуш қуриб, 4 ўғил ва 2 қизни вояга етказди. Фарзандлари ўқимини, одобли, меҳнатсевар, ҳаётда ўз ўрнини топган, эл қорига камарбаста инсонлардан. Оиласи тинч, турмуши фаровон.

— Отам ва 90 йил умр кўрган онам оғир, машаққатли ҳаёт кечирган бўлишса-да, бизни ҳалол меҳнат қилишга, илм олишга даъват этишдан ҳеч чарчамади, — дейди етмиш ёшга етган тўнғич фарзанд Очил Файзиев. — Мен мактабда тарих фанидан дарс бериб, баркамол авлод тарбияси билан шуғулландим. Ширин турмуш қуриб, неварали, чеварали бўдим. Укаларим ва сингилларим ҳам ота-онам панд-насиҳатларига амал қилиб, кам бўлишмаяпти. Хануз ҳар бир ишимизни отам билан маслаҳатлашамиз...

Ҳозирда Очил ота Файзиев фарзандлар, 70 дан ортиқ неварга, чеварга ва эваралар ардоғида. Хукуматимиз гамхўрлигидан чексиз миннатдор. Касаба уюшма фаоллари доимий хабар олиб, туғилган кунинда, байрамларда совға-саломлар билан йўқлашади. Кексаларни эъзозлаш йилида Очил ота «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида касаба уюшма томонидан берилган бепул йўлланма билан саломатлигини тиклади.

Очил ота ҳамон тетик. Дастурхон атрофида дуога кўл очиб, юртимизга тинчлик, омонлик, Юртбошимизга узюк умр, халқимизга бахт-саодат тилайди.

Изаатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Ўз мухбиримиз

Зиёга тўлиқ умр

Холмўмин Шукров бу йил 84 ёшга қарши олади. Кимлардан олдин, кимлардан кейин, бахтга етиб, бахтсизликни енгиб, сабрни етаклаб, қаноатни кўксига жойлаб, ҳалол меҳнат, беминнат ризқ билан ҳаёт кечирган отахоннинг, кўз тегмасин, қадди ҳамон тик, сўзларида маъно, ниятларида дуо муҳассам. Ҳаракатини, изла-нишини, эл қорига ярашдек олий фазилатини мана шундай кексаларимиздан ўрганишимиз керак, албатта. Отахон айни пайтда Сардоба туман «Нуроний» жамгармасига раислик қилиб келмоқда.

Холмўмин ота асли Жиззах вилоятининг Гўзал Баҳмал қишлоғида вояга етган. 1956 йилда Самарқанд давлат университети филология факултетини тамомлаб, бу ёшга бугун умрини маорифга бағишлади. Дастлаб, мактабда ўқитувчилик қилди, сўнгра туман халқ таълими мудири бўлди ва бу лавозимда узюксиз 31 йил ишлади. «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Усирилик даврим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган, — дейди у ўтмишини хотирлаб. — Тузуқроқ ўқиниш шароит топиш қийин эди... Холмўмин Шукров олти нафар фарзандни ҳалол насиба билан вояга етказди. Тўғри сўз бўлишга ўргатди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлиб, муҳандис, ўқитувчи, ҳуқуқшунос сингари соҳаларда фаолият олиб боришмоқда. 26 нафар набира, 15 нафар чевара ҳам сукули бобожониси панд-насиҳатларини қўлоққа олиб, китобга меҳр қўйиб ўлғайишмоқда.

Холмўмин ота ўнлаб китоблар муаллифи. Ҳозирги кунда «Ҳаёт сабоқлари», «Шукрона» каби бадиалардан иборат тўламавлари эълон қилинмоқда. Ҳовлисидagi фойза, дастурхоннинг қут-баракаси, фарзанду набираларининг бахту қамоли у кишининг дуолари ижобати, албатта.

— Бу каби оилавий фароғатнинг аввали юртимиздаги тинч-осейишталикдан. Биз Юртбошимиз юритётган тинчликпарвар, адолатли сиёсатдан мамнунимиз. Аллоҳга шўкр, фарзандларимиз аҳд хизматиди. Ҳаммасининг ўз уйи, оиласи бор. Неварга-чеваралар ардоғида яйраб-яшнаб, кексалик гаштини сурмоқдамиз. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! — дейди отахон тўлқинланиб.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Жўра Саидахмедов нафақат Наманган вилояти, балки водийда кўли енгил шифокор сифатида танилганди. Иккинчи жаҳон уруши жангҳолларида ўлим билан юзлашган чоғларида у қайта-қайта «Агар тирик қолсам, қолган умримни фақат одамларга яхшилик қилиш, эл-юрт саломатлиги ва равақи йўлига бағишлайман», деб ният қилган эди. Ниятлари вожиб бўлиб, умрининг охирига қадар «Наманган Хотам-тойи» деб эътироф қилинди.

Ибрат мактаби

90 ёшдан ортиқ умр кўрган Жўра ота турмуш ўртоғи Раҳима ая Фозилова билан 2 ўғил ва 2 қизни замонамизнинг етук, эл-юрт хизматига ярайдиган фидоий инсонлари этиб тарбиялади. Жўра ота ота-онаси йўқ болалардан 56 нафарини тарбиялади, уйли-жойли қилган. Мўҳими, Жўра ота кўлида тарбияланган болаларнинг барчаси ҳаётда ўз йўлларини топган. Улар орасида олий тоифали шифокор, ўқитувчи, муҳандис, ички ишлар ходимлари, ишлаб чиқариси корхоналарини бошқариб келаётган фидоийлар борлиги кишини қувонтиради.

Жўра ота ҳар бир сўзида ўзининг етимликда кечган болалигини эслаб, неварга-ю эвараларини мустақилликнинг дориланом кунларини қадрлаб яшашга, кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, илм ўрганишга, Ватан келажаги учун етук кадр бўлишга ундарди. Мўҳтожларга моддий ва маънавий кўмак беришдан чарчамасди. Юртбошимизнинг халқимизга фаровонлигини ошириш, маънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш борасида олиб бораётган доно сиёсати ҳаммасини учун андозадар, дея одамларни мустақилликни мустаҳкамлашга даъват этиб, имкон қадар сарлаватеша бўлишга чакирарди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали шифокор, «Жасорат» медали соҳиби Жўра ота Саидахмедовнинг хотираси дилларда муҳрланиб, қилиб кетган эзгу ишлари уни биланларнинг барчасига ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилояти

Болалик йилларим Украина-нинг чекка қишлоқларидан бирида ўтди. 1924 йили етти ёшимда ота-онам бандаликни бажо келтиргач, етимлик, ёлғизлик, очлик ва ҳўрликнинг аччиқ қисмати-ни бошдан ўтказдим.



Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

Етим болалар учун махсус интернатда тарбияланиб, вояга етгач, тракторчилар тайёрлайдиган курсни тугатдим ва тракторчи ёрдмачиси бўлиб ишга жойлашдим. Армия сафига қақирлиб, Иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. 1946 йили хизматдан қайтиб, 1951 йилгача қишлоқда касб-корим орқасида кўн кўрдим. 1951 йили Ўзбекистонга йўлланма билан келиб, Туркменистондаги канал қазиш ишларида иштирок этдим. 1954 ва 1957 йилларда Ҳўжайли туман истеъмолчилар масўлияти чекланган жамиятида уста, кейин Егмой корхонасида 30 йил ҳайдовчи бўлиб ишладим.

Бугун нафақатда, фарзандларим ҳамда неварга-чевараларим ардоғидаман. Ешлигимда бошимдан кечирган қийинчиликлардан фақат аччиқ хотиралар қолган ҳолос.

Серкўёш бу заминда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон бахтлидир. Йилнинг тўрт фаслида ҳам дўконлар, бозорлар озиқ-овқат ва мева-сабзавотларга тўла. Бу юрт — менинг Ватанам. Мустақиллик йилларида биз, кексаларга қўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибордан кайфиятимиз чоғ, кўнгилиримиз оқиб.

Байрамларда остонамиздан меҳмонларнинг қадамини аримайди. Биз, нуронийларни эъзозлаб, муборакбод этгани ҳамшаҳарларимиз ташриф буоради. Тиббиёт ходимлари тез-тез келиб, кўриқдан ўтказди. Касаба уюшма фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаолият қўрсатган корхонамиз мутасадди вакиллари, қариндош-уруғлар, ошна, ёр-дўстлар йиғилса, уйимизда базм бошланди кетади. Президентимизнинг ёши улўғ инсонларга қўрсатаётган бу гамхўрлиги ва эътиборидан мамнунимиз.

Боболари улуғланиб, момолари эъзозланадиган шундай азиз юрт яна қайда бор?!

Александр РИЖИК, 98 ёшли уруш фахрийси. Жасур МАТКАРИМОВ олган сурат

Янгийўл туманининг Эски Ковунчи қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган Яхё ота қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 45 йилдан ортиқ фаолият юритди. «Тинчлик» ширкат ҳўжалигида ҳосилот, бош ҳосилот сифатида пахтачилик ривожига катта ҳисса қўшди. Хизматлари муносиб тақдирланиб, юксак орден ва медаллар билан мукофотланди.

Яхшилик қалбларда яшайди

Яхё отанинг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Айни кунга тўлганда урушга қатнашди. Шиддатли жангларда матонат ва жасорат қўрсатди. Вазод командири сифатида 1-Белоруссия фронти ҳамда Шарқий Пруссиядаги халоскорлик жангларда иштирок этди.

Одер дарёсини кечиб ўтишда кечган жангларда оғир яраланди. Маълум вақт госпиталда даволаниб, сафга қайтди. Берлин учун кечган Эльба дарёси бўйидаги жангда олган жароҳати тўғайли I гуруҳ ногиронига айланди.

Хизмати тугатиб, туғилиб ўсган қишлоғига қайтди ва шиддатли ҳаёт қўйнига сингиб кетди.



Тинчликда кечган ҳаётининг ҳар бир оини самарали ўтказишга, умрини эзгу ишлар билан беэашига ҳаракат қилди. Қаерда, қай лавозимда ишласин, элим, юртим, Ватаним деб яшади. Эл ишига камарбаста бўлди. Одамларни хайрли ишларга ундаб, тинчликни қадрлашга, меҳнатни севишга ундади.

Савобли ишларга аввал ўзи бош бўлди. Одамларни яқин ишлар атрофидида бирлаштирди. Ташаббус қўрсатиб, маҳаллага кўприк қуриш, газ олиб келиш, тоза ичимлик суви, асфалт ётқизиш ишларида етакчилик қилди. Умрининг маъмуни, тинчликнинг қадрини, урушнинг фожиаси, меҳр-мурувват ва саховатнинг бебаҳолиги ҳақидаги «Нурафшон йўли», «Қадр мерос эрур бизларга» китоблари зиё аҳли кўнгили тўридан жой олди.

Яхё ота умр йўлдоши Марҳамат ая билан беш фарзанд ва бир этак невараларни элим, юртим деб яшаш руҳида тарбиялаб, ўзларидан нурили из, яқин ном ва ибрат мактаби бўладиган хотира қолдириб кетишди. Яхё ота 91 ёшида ёруғ дунёни тарк этди. Лекин пок ном уйи-қизилари, қариндош-уруғи, туман, вилоят аҳли қалбиди абадий қолди.

Юсуф МАМАДИЕВ

Қадамлар залворли, уфқлар ёрқин



Қ(1). Корхонада яратилган меҳнат шароити, маош, ошхона, гигиеник хоналар, фойдаланилаётган асбоб-ускуналар, маиший хизмат аҳоли, хизмат хоналари, атроф-муҳит озодлиги ва бошқа қатор омиллар саволномалар мажмуидан иборат варақалар (аноним) асосида мониторинг қилиб борилмоқда. Хар бир ходим мулоҳазаси чуқур ўрганилади, таклифлар инобатга олиниб, амалга оширилмоқда. Жорий йил март ойида ўтказилган шундай саволлар жамланмаси жавоблари билан танишиб чиқар эканмиз, меҳнат қилаётганларнинг 98 фоизи учун бу ерда ишлаш мақбул эканига шохид бўлди. Фақат икки фоиз ишловчилар келажакда муайян соҳа бўйича ўқиб, мутахассисликка эга бўлиш истагида эканликларини баён этишибди. Хўш, ходимлар билан бу тарздаги аноним мулоқот қандай натижа бераётди, бундан иш берувчи нима наф кураётди? Шулар хусусида маъмурият ва ходимлар фикри билан қизиқдик.

Камол АБДУЛЛАЕВ, корхона раҳбари:

— Жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижросига бағишланган йилгиликда бир йиллик фаолиятимизга бир қур назар ташлаш имкони туғилди. Тўғри, ходимларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш борасида анча-мунча ишларни амалга оширдик. Қолаверса, шароитни тубдан такомиллаштириш юзасидан қатор режалар тузиб қўйганмиз. Аммо ҳозир мен бошқа бир масалага эътибор қаратишни истаётман.

Корхонамизда қатор йилки, «Сизнинг овозингиз» номли сўровномани хар бир ходимга тарқатиб чиқамиз. Унда ходим таклиф-мулоҳазаларини,

жумладан, ўзига ёқмаётган хар бир омил хусусида ҳам эркин фикрини бериши мумкин. Бу мулоқотнинг бегаразлигини таъминлаш мақсадида ҳеч кимнинг шахси, исми-шарифи суриштирилмайди. Аммо хар бир жуяли таклиф, фикр эътибордан четда қолмайди. Барча шароитни меҳнаткашлар талаби асосида ташкил этишга ҳаракат қилаёلمиз. Масалан, ошхонадаги жиҳоз ёхуд қайсидир дастгоҳда қандайдир ноқулайлик бўлгани ҳолда, буни раҳбарият илғаб олиши қийин. Аммо бевосита шу жойда ишлаётган ходим камчиликини тўлиқ билиб турибди. Сўровдан асосий муддаомиз шунга ўхшаш камчиликларга барҳам бериш.

Мақсадимиз аниқ, яъни хар бир шахс имкониятини юзага чиқариш, малакали, корхона ютуғини ўз ютуғи деб биладиган ишчи авлодини тарбиялаш. Корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлар. Уларда ижодкорлик бор, янгиликка ўқилги сезилиб туради. Имкон қадар уларни қўллашимиз. Ходимларга муносиб иш ва турмуш шароити яратишда касабга уюшмаси яқин таянчимиз. Ушбу ташкилот томонидан кўтарилган бирор таклиф эътибордан четда қолмайди. Ахир, ходимларимиз манфатини ўйлаб қилинган хар бир иш корхонамизга фойда.

Рустам ОХУНОВ, бошланғич касабга уюшма ташкилот раиси:

— Жамоа менга ишонч билдирганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Зиммамга катта масъулият тушганини англаб турибман. Касабга уюшмалари ҳал-эҳтиши лозим бўлган масалалар қамрови ўйлаганимдан ҳам кенгрок экан. Бу эса изланишдан чарчамаслики тақозо этади. Маъмурият қўллаб-қувватлаши, муаммоларни

бамаслаҳат ҳал этаётганимиздан ходимлар мамнун.

Ташкилотимизга алоҳида хона ажратилган. Бу ерда касабга уюшмалари мақсад ва вазифалари акс этган стенд, муносиб меҳнат шароити, ходим ва иш берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган кўргазмали воситалар мавжуд. Ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ҳам ижтимоий шериклик асосида ҳал этиб келинмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган хар бир ходимнинг ўз ўрни бор. Улар жисмоний имкониятига қараб иш билан таъминланган. Ҳозир ишлаб чиқаришда 2 нафар пенсионер, 14 нафар ногирон ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда. Улар учун алоҳида имтиёзлар жорий этилган. Бундан ташқари, тўрт ва ундан ортиқ фарзанд тарбиялаётган, болалари уч ёшга тўлмаган 8 нафар, ўн икки ёшга тўлмаган фарзандлари бор 13 нафар аёл ҳам имтиёзларга эга. Уларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллашимиз, қўшимча таътиллрдан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

Маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этиш, хар бир цехда ходимлар гимнастикасини йўлга қўйиш, ҳафтанинг маълум кунинда «Маънавият соати» ўтказиш каби шакланган анъаналар изчил давом этапти. Утган йилда аъзоларимиздан тўрт нафари имтиёзли йўланмалар билан сихаттоҳларда саломатлигини мустаҳкамлашди.

Сабохат ХУДОЙБЕРДИЕВА, корхона ошхонаси бош ошпази:

Ошхонамиз санитария-гигиена талабига тўла мос ҳолда жиҳозланган. Барча шароит мавжуд. Тушликда 600 нафардан ортиқ ходимга хизмат кўрсатамиз. Бу катта масъулиятдир. Шахримиздаги йирик ресторани

лар ҳам бу миқдордаги хўрандалар олдидан шошади. Ишларни тизимли ташкил этаётган ошпазларимиз гурӯҳи хар бир таомни мазаали тайёрлашга интилади. Ходимлар талаби асосида овқат тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, дастурхонимизда доим сервитамин сабзавот маҳсулотлари бўлиши шарт. Чунки, маъмурият ходимлар саломатлигига фойда келтирувчи, чарчоқни олувчи, қувват берадиган ва хилма-хил таомлар тайёрлаш талабини қўйган.

Вазият хар бир ошхона ходимидан масъулият билан ишланиш талаб этади. Бир пайтнинг ўзида 200 нафар киши таом тановул қилиши, белгиланган вақт ичида ўрнини кейингиларга бўшатиб бериши керак. Биз эса ошпаз равишида навбатдаги хўрандаларни кўтиб олишимиз керак. Ишимиз жуда завқли. Энг муҳими, ишчилар пиширган таомларимиздан хузур қилади.

Васийил ОРКИН, корхона меҳнат муҳофазаси муҳандиси:

— Муносиб меҳнат шароити яратиш хар бир иш берувчи олдига қўйилган асосий вазифалардан бири саналади. Биз ходимларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини тинимсиз ошириб бориш ҳаракатидамиз. Барча ходим белгиланган тартибда махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаб келинмоқда.

Ходимлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хар бир цех ва бўлимда иш жойи ҳаво алмаштириш, ёритиш тизими, дори-дармон кўтчаси, ёнғинни ўчириш анжумлари билан таъминланган. Хавфсизлик техникаси бўйича ходимлар билимини текшириш, режага асосан ўқув-амалий машғулотлар йўлга қўйилган. Махсус дастурлар асосида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, саноят хавфсизлиги бўйича тушунтиришлар олиб борилаётди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг виллоят бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Туробов, тармоқ касабга уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Мустафақулова ҳамроҳлигида корхона ёшларига яратилган шароит, бошланғич касабга уюшма ташкилоти қошидаги Ёшлар комиссияси фаолияти билан ҳам танишдик. Бу

ерда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши режа асосида ташкил этилмоқда. Ёш мутахассислар ўртасида турли тадбир ва спорт мусобақалари ўтказиб келинаётди.

— Хар бир цехда спорт жамоаси шакллантирилган, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Фаррух Жумаев. — Деярли хар ойда ушбу жамоалар ўртасида мусобақалар ташкил этилади. Айниқса, футболга қизиқувчилар кўп. Келажакда корхона футбол жамоасини шакллантиришни ният қилганмиз.

Гиламчилик санвати бўйича дунёда кучли бешликдан жой олишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб олган корхонада сўнгги йилларда маҳаллий хомашёни қайта ишлайдиган қатор цехлар ишга туширилди. Муддоа маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни қамраб олиш.

Ха, жамоада ибратли ташаббуслар оз эмас. Хусусан, 2011 йилда қаровсиз қолган Самарқанд от спорти комплексига қайтадан ҳаёт бағишлашга бел боғланди. Ҳаракатлар зое кетгани йўқ. Бу даргоҳ корхона кўмагида замонавий комплексга айланди. 20 дан ортиқ зотдор отлар келтирилиб, мазкур спорт турининг ривожланишига улш қўшилди. Айни чоғда мазкур спорт комплекси чавандозлари қатор халқаро мусобақаларда юртимиз шароитини ҳимоя қилмоқда.

Утган йилда эса яна иккита йирик ишга қўл урилди. Биттаси иқтисодий таназзулга юз тутган Самарқанд лифти ишлаб чиқариш заводини оёққа турғизишдан иборат бўлди. Корхона мадади билан мазкур заводда ишлаб чиқариш жонланди. Бу ерда 100 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Бир йилда 300 дан зиёд замонавий юк ва йўловчи кўтарадиган лифт ишлаб чиқариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунингдек, бир ярим минг кишини иш билан таъминлашга мўлжалланган эркаклар ва аёллар кийимлари, чойшаб ва бошқа воситалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхонанинг тамал тоши ҳам қўйилди. Бу борада тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Самарқанд шўхратини ўз гиламлари билан дунёга танитишни истаган «SAG билан» қўшма корхонасининг қадамлари залворли, мақсади янада улғувор.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Фуқаролар йиғини масъул котибининг вазифалари нималардан иборат?

Н.ТУРСУНОВА, Фориш тумани.

ЖАВОБ: Масъул котиб фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгаши мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайди, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ва фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) қарорларининг ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди, иш юритишни олиб боради.

Масъул котиб фуқаролар йиғинида иш юритишни ижро интизомига риоя этган ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб амалга оширади.

Масъул котиб фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан фуқаролар йиғини тузилмаси, ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва текширишнинг асосий қондалари, ички меҳнат интизими тартиби ва фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солишга қаратилган бошқа ҳужжатлар билан таништиради.

Саволга Жиззах виллояти кўмаклашувчи комиссияси раиси Баҳром МАМАЖОНОВ жавоб берди.

Амалий семинар

Фуқаро муҳофазаси йўлида

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Фуқаролик муҳофазаси институтида амалий семинар ўтказилди. Тадбирда зилзила туфайли юз бериши мумкин бўлган офат ҳамда ундан сақланиш йўл-йўриқлари ҳақида сўз борди.

— Табиий офатлар ичида зилзила ўзининг аянчли оқибатлари, жиддий талафотлари билан ажралиб туради. Вақт ва замон танламайди. Бир неча сония ичида юзлаб, ҳатто минглаб инсонларнинг қурбон бўлишига, катта миқдордаги иқтисодий зарарларга олиб келиши мумкин. Бугунги семинарда хар қандай ҳолатда ҳам саросимига тушмай ҳаракатланиш ҳақида тушунчалар бериб ўтилди, — дейди ФВВ вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Орипов.

Семинарда ФВВ, Фуқаролик муҳофазаси, Сейсмология институти ва бошқа бир қатор ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Амалий семинарда фаол иштирок этган бир гуруҳ ОАВ ходимларига махсус сертификатлар топширилди.

Ўз муҳбиримиз

Устозлик шарафи



Реклама

«KO'SHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖ Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

2016 йил 24 май куни соат 11:00да ўтказилиши белгиланган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган виллояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 19 апрелдаги 53/ас-ер, 54/ас-ер, 55/ас-ер-сонли буйруқларига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:

Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ Мустақиллик МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Янгиер ҚФЙ Дехқонobod МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-3-сонли 3 та, Ҳамза ҚФЙ Ҳамза МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 2, 6-сонли 2 та ер майдонлари, хар бирининг бошланғич баҳоси — 238 630 сўмдан, тўланадиган зақалат пули миқдори — 119 315 (Бир юз ўн тўққиз миң уч юз ўн беш) сўмдан; Мингбулоқ тумани Гўлбоғ ҚФЙ Ешлик МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 3-сонли 1 та, Гўлбоғ ҚФЙ Қорашаҳар МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 14, 15, 16, 19, 20-сонли 5 та, Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод МФЙ 296к-контур ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод МФЙ 211к-контур ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Оптикўл ҚФЙ Мулкобод МФЙ 136к-контур ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Гўлбоғ ҚФЙ Ешлик МФЙ 523к-контур ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-4-сонли 4 та ер майдонлари, хар бирининг бошланғич баҳоси — 197 680 сўмдан, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўмдан; Гўлбоғ ҚФЙ Қорашаҳар МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 300,0 кв. метрдан иборат бўлган 18-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 148260 сўм, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Гўлбоғ ҚФЙ Янги Гўлбоғ МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 183 560 сўм, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Гўлбоғ ҚФЙ Алами МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1, 2-сонли 2 та, Жомашуё шаҳарчаси Мустақиллик МФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 254 160 сўм, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Поп тумани Фурумсарой ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 196-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 478 800 сўм, тўланадиган зақалат пули миқдори — 200 000 (Икки юз миң) сўм; Янгиқўрғон тумани, Поромон ҚФЙ ҳудудидан 478к-контурдан ажратилган сатҳи

400,0 кв. метрдан иборат бўлган 66, 71, 123, 124, 131, 132, 133, 134, 135, 138, 139, 169, 172, 173, 174-сонли 15 та ер майдонлари, хар бирининг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан, тўланадиган зақалат пули миқдори — 30 000 (Ўттиз миң) сўмдан; Нанай ҚФЙ Сохиқор маҳалласи ҳудудидан 128к-контурдан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 4-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 189 000 сўм, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Наманган тумани, Гирвон ҚФЙ Самарқанд ММТП ҳудудидан ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 156, 157, 119, 183-сонли 4 та ер майдонлари, хар бирининг бошланғич баҳоси — 400 000 сўмдан, тўланадиган зақалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўмдан.

Ер майдонлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, каналзация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлари олиш учун савдо ташкилотчисига мурожаат қилишингиз мумкин.

Юрридик ер майдонлари 2016 йил 24 май куни сотилмаган тақдирда 31 май, 7 ва 14 июн куни сотилган савдо савдоларига тақдирланади.

Аукцион савдоси голийи савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризаларни хар қуни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00гача (тушлик 12:00дан 13:00гача) куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 23 май куни соат 18:00да (такрорий савдолар учун мос равишда 2016 йил 30 май, 6, 13 июл кунлари соат 18:00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Зақалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг зақалат пулини «KO'SHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖнинг АИТБ «Илак Йўли» Наманган виллоят филиали, МФО-01054, ИНН: 303110873, 2020 6004 0780 7001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: ақсониий савдосида катта намуна, агар ваколатли шахс катнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахсининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: «KO'SHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖ.

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Виллоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси 1-қават 5-хона). Телефон: (0-369) 227-25-22. e-mail: kmst_2016@mail.ru, веб-сайт: www.kmst.uz Лицензия: RR-0215.


Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» муҳбири

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

«Касаба сайр»

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ички туризмни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Саёҳат — танга роҳат

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига асосан туманимиздаги бошланғич таълимнинг таъминоти билан бир қатор касаба уюшма аъзоларининг худуд ичидаги тарихий қадамжолар ва истиқлол йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига саёҳати барчада илиқ таассурот қолдирди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан шу йилнинг март ойида уюштирилган Урганч, Хива, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳат чоғида таълим, фан ва маданият ходимларидан 5 нафари маданий меросимиз ва бугунги бунёдкорлик кўламинан олам-олам завқ олиб қайтишди.

— Таълим-тарбия соҳасида 35 йил фаолият юритдим, — дейди тумандаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси К.Исоқова. — Республикаимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳат қилиб, таассуротларни янада бойиди. Қадимий шаҳарлардаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари мени ҳайратга солди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Касаба-сайр» шўъба корхонаси томонидан биз, саёҳатчиларга яратилган шароитдан миннатдорман.

С.РАҲМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмаси Жақандуқ туман кенгаши раиси

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида Хива шаҳрига ташкил этилган саёҳатдан бир олам таассурот олиб қайтдик. Ушбу тадбир бир умр ёдимизда қоладиган бўлди.

Сайёҳларнинг сеvimли масканига айланган тарихий шаҳар боболаримизнинг маънавияти ва тафаккурдан дарак беради. Айниқса, Ичан қалъадаги Муҳаммад Аминхон, Арк дарвозаси қаршида бўлган Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси бугун ҳам шаҳарга кўр бағишлаб турибди.

Саёҳат баҳонасида мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, шаҳарлар билан беллашишга тайёр қишлоқ ва овуллар, замонавий кўприклар, кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўриб, хурсанд бўлдик. Ватанимизнинг эртаси бугундан ҳам порлоқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Касаба уюшмаларининг бу каби хайрли ишлари, меҳнатимизни қадрлаши, тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб чиқиш, хомийлик қилиши ишимизнинг сифати ва самарасини янада оширади. Ишловчи аёлларнинг ҳамқори ва суянчи бўлган жамоат ташкилотий жонқуярларига миннатдорлик билдираман.

Аманбика СЕРЖАНОВА,
ҳамшира

Шуманай тумани

Веломарафон

Биринчи босқич кучлиларни саралади

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, касаба уюшмалари Республика кенгашларининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилари, бирлашган, бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан меҳнат ва ўқув жамоаларида аъзоларни jisмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларни соғломлаштиришга йўналтирилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бир неча йиллардан бери ҳаваскор спортчилар ўртасида ўтказилаётган «Касаба-тур» мусобақалари велоспорт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Пойтахтимизда ҳам ушбу беллашувлар кўтаринки руҳда ташкиллаштирилмоқда.

Шундай мусобақалар Чилонзор, Сергели, Миробод туманидаги бир қатор умумтаълим мактабларида ҳамда «Чилонзор» савдо маркази, «Карвон» МЧЖ, Чилонзор туман солиқ ва банк идоралари ходимлари ўртасида ўтказилди.

— Ҳаракат саломатлигимизни мустаҳкамлайди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Миробод туман кенгаши раиси Н.Насретдинова. — Жисмоний тарбия интизом, ирода, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантиради. Меҳнат жамоаларида веломарафон зур қизиқиш билан ўтаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳали ҳам совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совгалари тақдим этил-



ди. Веломарафон иштирокчиларига санъаткорлар кўтаринки кайфият улашди. Мусобақалар давом этмоқда.

Аҳдам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мавзуга қайтиб

«Севги шахрига хуш келибсиз...»

«Гўзал қизлар ва йигитлар шахрига хуш келибсиз. 0720 рақамига кўнғирок қилинг ва танишинг. Кўнғирок бепул».

Бу уяли алоқа компаниялари томонидан мўъжазгина телефонингизга келадиган хабарлардан бири. Бундай «соғинч-номалар» телефон рақамимизга кунига йўқ деганда 3-4 марта келади. Бир ойни 30 кун дея ҳисобласак, кўрсаткич жами 120 тани ташкил этади. Бир йилда эса 1440 та хабар дегандир. Келаятган номаларнинг ҳаммасини ҳам юксак савияда, адабий тил меъёрларига риоя этилган ҳолда ёзилган, дея олаймиз. Зурма-ўраки, саводсизларча битилган хабарларни ўқиб, кетган вақтингизга ачинасиз. Сўзимиз куруқ бўлиб қолмаслиги учун телефон рақамимизга келадиган баъзи бир хабарларни хушқингизга ҳавола этамиз.

«Севги ихзори учун керакли сўз топа олмайсизми? Қизлар учун сеvgи ихзорлари ZZ, йигитлар учун RR харфларини 3141 рақамига юборинг. 1 кўнғирок sms — \$ 0,04» (2015 йил 28 август); «Севгилингиз билан қанчалик мослигингизни билинг! SV харфларидан сўнг туғилган йилнингизни жўнатиш. Мисол: SV 1989+77708 га юборинг. 1 sms — \$ 0,50» (2015 йил 23 октябр); «Тўш кўрдингизми? Тушингиз таъбирини билмоқчимисиз? 5055 рақамига та коди билан тушдаги калит сўзини юборинг. мисол: ta илон. 1 sms — \$ 0,49» (2015 йил

17 декабр); «Гўшаки кўлга олинг. 0707 ни теринг. Қизларни хушнуд айлаб чиroyли шеърлар ўқинг. Кўнғирокнинг 1 дақиқаси 0,03 \$» (2016 йил 5 март).

Бир қараганда, ушбу матнларнинг маънавиятимизга ҳеч қандай салбий таъсири йўқдек туюлади. Аслида-чи? Юборилаётган хабарларнинг асарияти миллий маънавиятимизга дахл қиладиган, савияни сазлаштирадиган, «оммавий маданият»га сўғорилган «сохта номалар»дир. Ўзбек халқи азалдан ор-номус, ибодат борасида бошқаларга ўрнак бўлиб келгани, ёшларимиз ҳеч қандай танишув сайтлари-ю қандайдир фолбинларга зор эмаслигини дунё аҳли яхши билади. Баъзи бир юртдошларимизнинг ушбу мавзудаги фикрлари билан қизиқдик.

Саттор НАМОЗОВ, пенсионер:
— Билайн компанияси хизматларидан фойдаланаман. Тўғриси, кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратиб беришгани ҳолда базан ноқулайликлар ҳам келиб чиқапти. Қўл телефонимга келадиган кўплаб хабарларни ўқиб, уялиб кетаман. Ёшимга ҳам, савиямга ҳам умуман тўғри келмайди. Бунини-ку қўя туринг, ўзбекичилигимизга ҳам асло мос эмас. Компания ходимларидан хабарлар хизматини ислоҳ қилишларини, матнлар савияси ус-

тида обдан ишлашларини илтимос қилган бўлардим.

Шохруҳ ИКРОМОВ, коллеж ўқувчиси:
— Яқинда қўл телефонимдан турли sms-хизматларига обунга бўлган эдим. Телефоним ҳисобидан анчагина пулни ечиб олишга, бирин-кетин тутуруқсиз хабарлар, «савиясиз шеърлар» кела бошлади. Очиғи, сарфланган пулга ачиндим. Энди қайтиб бундай хизматлардан фойдаланмайман. Тенгдошларимга ҳам шунини тавсия қиламан.

Қўл телефонимизга юбориладиган хабарларнинг баъзилари бизни хушнуд этишни ҳам тан олайлик. Мисол учун турли байрамлар, таваллуд кунларимизда жўнатиладиган табрик смслар қайфиятимизни кўтариб, бир олам қувонч улашади. Бизга керакли маълумот етказиб туради.

Бу гаплар билан уяли алоқа компанияларини танқид қилишдан, баъзи бир «sms» матнларини ёзиб, рўзгор тебратадиган юртдошларимизни «нишонга олишдан» йироқмиз. Фақатгина улардан ёзилган хабарларни минг бир мушоҳада билан, миллий менталитетимизга хос ва мос тарзда битишни, ҳамюртларимизга фойдаси кўпроқ тегадиган жиҳатларга бироз бўлса-да эътибор бўлишларини истардим. Инчунун, биз ўтмиши буюк, келажиги порлоқ халқимиз. Бизга ёт унсурлар асло ярашмайди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистика ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти» танловига қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларида, интернет наشرларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририйлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистика ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иши жўйи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нухсаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти» танлови гoлиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129,
Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон
Журналистлари
жoдий уюшмаси
Телефонлар:
244-64-61, 244-37-87.
www.journalist.uz

Агрoсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Пастдарғом туман кенгаши раиси Илаш Абдуллаевга опаси **КЎЗИГАЛ МОМОНИНГ** вафоти мунoсабати билан таъзия изҳор этади.

— Ассалому алайкум, Малика опа! Яхшимисиз? Бозор айланавериб силласи кўрибсан Малика шоши у ёк-бу ёққа қаради. Бир аёл унга тикилиб турарди. «Менга гапиряптими ё бошқа бировгани?» деб ўйлади-да, жим тураверди. Хотани аёл унга қараб яна салом берди. Бу сафар у алик олди.

— Тузалиб қолдингизми, опа? — меҳрибонлик билан сўради нотаниш аёл.
— Ҳа, раҳмат... — деди Малика.
— Ўзи ҳамма тумов бўлиб ёттибди, — деди нотаниш аёл. — Қор ёғмапти-да, опа, ёғса, ҳамма касаллики бир босиб кетарди...

— Тўғри айтасиз, — деди Малика. У нотаниш аёлнинг кимлиги, қаерда кўганини эслашга уринса-да, ҳеч эслолмади. Меҳрибонлик қилиб, ҳол сўраб турган одамдан кимсан, деб сўраш эса ноқулай.

— Ишга чиқиб кетдингизми? — сўради нотаниш аёл.
— Ҳа, раҳмат, чиқдим.
— Худбин, кал бошлигингиз уришмадиларми? — кулди у.
— Йўқ, нега уришарди...
— Анави дугонангиз-чи, Гуля? Куала-Лумпурдан қайтиб келдимми ё ҳалиям ялло қилиб юрибдимми ўша ёқда?

— Келди, кеча ҳафта келганди... — Малика нотаниш аёлнинг кимлигига тобора қизиқиб борарди. Ахир унинг бошлиги кал эканини қаердан билади? Дугонаси Малайзияда ялло қилиб юргангани-чи? Бу ерда бир гап бер. Ёки у...

— Сўраш ноқулай-ку, лекин ичим ачиб кетяпти, опа, — деди нотаниш аёл узроҳлиқ билан.
— Қизингиз уйига қайтиб бордимми ё ҳалиям аразлаб, ёнингизда ўтирибдимми?

«Оббо, бу нимаси бўлди энди? Бу хотин ким бўлди экан-а? Ё янги кўчиб келган қўшилларданмикин? Йў-ей, маҳаллага янги одам келса, бирпасда ҳамма билади. Ёки эримнинг таниш-паншиимкин? Қайдам... Кимлигини сўрасаммикин? Шошмай турай-чи, нима бўларкин».

Малика жавоб беришга шошилайди, аёлни зимдан кузатди, танишлари орасидан эслашга ҳаракат қилди, лекин хотира ўлғур бу қиёфани ҳеч топпомади.

— Кувемиз олиб кетди, — деди сўнг синиқ овозда.
— Ҳа, яхши қилибди, опа, — деди нотаниш

аёл ним табассум билан. — Шунча ўтирди, кўвингизнинг кўзи очилиб, энди аввалгидай оёқ ости қилмайти қизингизни. Қадрига етадиган бўлади.

«Вой, ўлай, бу хотин кувемини ҳам танийдими хали? Ундан чиқди, қизимни неча марта калтаклаб, онаси иккови хор қилганини ҳам эшитган чиқар?»
Нотаниш аёл эса тинмай савол берарди:

— Уҳ-ху, 8-мартда хўжайинингиз совға қилган кўйлак шуми?
— Йўқ, бунини ўзим олганман ойлигимга.
— Ия, совға қилмаганмидилар?
— Гул билан пайпоқ обертандилар...
— Ҳа, айтганча, палтони нима қилдингиз?
— Қайси палтони?
— Тимсоҳ терисидан тикилган палтониди? Кирхонага қайтариб олиб бориб, нотўғри дазвол қилиб, яроқсиз қилиб ташлашгани учун пулини ундириб олдингизми?
— Ҳа, уми?... Йўқ, ундирилмади. Палтонинг чекини сўрашди. Уни кўшимиз Салимаҳон Дубайдан олиб келган, чеки йўқ, дегандим, унда ундирилмайсиз, дейишди...
— Чакки бўпти-да, опа, шундай қимматбаҳо палто-я... Эсиз-эсиз, ичгинам ачиб кетди-я...
— Вой, нимасини айтасиз, уларнинг аҳмоқона дазволлашидан кейин палтонинг табиий ҳиди кетиб қолди...
Нотаниш аёл тин олди. Кўлидаги сумкани ерга қўйиб, қаддини тиклади. Кейин яна сўради:

— Малика опа, яна бир гапни анчадан бери ўйлайман, лекин сизга ҳеч айтолмай юргандим...
— Нима экан? — деди Малика қулоғи динг бўлиб.

— Шу... Ўзингиз биласиз-ку, ҳозир гийбатчилар ҳам кўпайиб кетган-да. Ҳалиги... Муродхон деган одам билан ростдан ҳам... учрашиб юрибсизми?..

— Вой, ўлай, бу нима деганингиз? — деди Малика аччиғи чиқиб. — Ким у Муродхон?
— Ие, Муродхон ака-чи, сочи узун бухгалтер одам...
— Ҳа-а-а... Уми? Сиз уни қаердан танийсиз?

Нотаниш аёл



— Айтдим-ку, шундай гап юрибди экан. Гийбатчилар-да...
— Ишонманг, гийбатга. Мен уни умуман билмайман.

Маликанинг юзи ловуллаб қизмоқда эди. «Одамларга ҳам хайронсан, ер тағида илон қимирласа, билади-я...»


— Майли, буларни қўяверинг, опа, — деди нотаниш аёл жимлайиб. — Қалай, янги олган оқ шимингиз қулаймикин?
— Қулай экан, — деди Малика. — Тўй оқшом-

ларига киймоқчиман.
— Кулупнайли торт пиширишни ўрганволдингизми?
— Зўрага ўргандим. Рецетини билсангиз, қийин эмас экан...
— Ҳалигиз, гийай қўшингиз Зебо санатг билан ярашдингизми?
— Ҳа... бир ойча гаплашмадик. Ҳозир алоқ-чапоқ бўп кетганмиз.
— Яна бир нарсасга ҳеч ишонгим келмаяпти-да, опа. Уша куни эрингиз ростдан ҳам майкасини тескари кийиб келибдимми уйга? Лаббўёнгизни неварангиз еб қўйгани-чи? У ҳам ростми?
Ух! Малика хайрону лол қолди. Ахир бу аёл ким ўзи? Нега у бунча нарсани билади? Бутун сир-синоатидан хабардор экан-ку? У ёқда ишхона-ю дугоналари, бу ёқда Муродхон ака-ю, оқ шим, ҳатто, эрининг майкасини тескари кийиб келгани-ю, неварасининг лаббўёни еб қўйганини қаердан билади ахир? Жосус деса, жосус деганлари бундай аҳмоқ одам бўлмайди. Таниш деса, таниш эмас...
— Ростликка-ку, рост, — дея чайналди Малика. — Лекин сиз буларни қаердан биласиз?
— Ҳа энди, опа, биламиз-да...
Маликанинг сабри тугади. Унинг кимлигини билгиси, «шпион» ёки гийбатчилигини аниқлаб, шармандачини чиқармоқчи бўлди. Ахир унинг бутун сирини билиб, кимлардигар гап тарқатиб юрган ҳам шу хотин бўлиб чиқар? Айтди-я, боядан бери тинимсиз савол берапти. «Ўзи ҳақида ҳеч нарса демаядям. Бу бекорга эмас. Гап ўғирлаб, яна қўшиб-чатиб, бўрттириб, бошқаларга са-сиб юрадиган хотинлар тоифасидан бўлса керак... Шошмай тур сен...»

Малика шундай ўйлаб, секин сўради:
— Узр-ку, хурматингизни қилиб, боядан бери шунча саволингизга жавоб берайман. Мен сизни танийлмайман? Кимлигингизни билмайдим ҳам...
— Вой, опа, нега ундай дейсиз? — деди нотаниш аёл оғзини ушлаб кулар экан. — Мен Тур-сунойман. Бўриева. «Фейсбукда» дўстимиз-ку, ахир?! «Друзья»нгизда борман-ку...
Маликанинг юрағи «ши» этди ва тилини тишлаб қолди.

Жасур КЕНГБОВ

MUASSIS:



2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рo'yxатга олинган.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doveriy.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dagi olingan ma'lumotlarda manba aytadigan gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflari fikri ta'biyiyat qanunlari nazoridan foydalanishi mumkin.

HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurrahmonov
Musahhlil: S.Haydarov
Sahifalovchi: H.Abdullayev

Boshiga topshirish vaqti — 20:45
Topshirildi — 22:30

1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma № — 415.
21090 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133